

YOSHLAR OVOZI

ЎЗБЕКISTON — ТУРКИЯ: ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ДЎСТЛИККА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғун 29 апрель куни давлат ташрифидан мамлакатимизга келди.

Икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган Ислом Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида Туркия Республикаси Президенти ва унинг рафиқасини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов кутиб олди.

Таъкидлаш лозимки, Туркия Республикаси Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган. 1996 йилда мамлакатларимиз ўртасида Абдий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланган. Халқларимиз кўп асрлик тарихи, тили, дини, қадриятлари ва муштарак урф-одатлари билан бир-бирига чамбарчас боғланган. Давлатларимиз ўртасида ўзаро ишонч асосидаги дўстона муносабатлар бугунги кунда изчил мустақамлашиб бормоқда.

Ташрифнинг асосий тадбирлари Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортиди. Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоғун шоҳсупага кўтарилдилар. Ўзбекистон ва Туркия давлат маҳфиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Расмий кутуб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоғун тор доирада ўрнлашув ўтказди. Дўстона ва очиклик руҳида ўтган мулоқотда Ўзбекистон билан

Туркия ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, илм-фан, маданият ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди.

Президентимиз Туркия Президентини самимий кутлаб, мамлакатларимиз муносабатлари ривожига муҳим сиёсий воқеа бўлган ўшбу ташриф ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган ҳамкорлигимиз изчил ривожланиб бораётганининг далолати эканини таъкидлади.

— Ўтган йил мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар янги стратегик босқичга кўтарилди. Ўзаро савий-ҳаракатлар тўғрисидаги товар айирбошлаш ҳажми сезиларли даражада ўсди. Изоланган ҳужжатлар самарасида халқларимиз ўртасидаги борди-келди енгилашди. Олий даражадаги навбатдаги музокаралар халқларимиз манфаатига хизмат қилаётган ўшбу эзгу ишлар суръатини янада оширишига ишончим комил, — деди Шавкат Мирзиёев.

Режеп Таййип Эрдоғун давлатимиз раҳбарига тақлиф учун миннатдорлик билдириб, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча соҳаларда муттабиқ тараққий этаётганини мамнуният билан қайд этди.

— Туркия ва Ўзбекистон тарихи буюк, урф-одат ва аъноналари муштарак, энг яқин дўстлар сифатида танилган. Халқаро майдонда ҳам, ўзаро алоқаларда ҳам бир-бирини доимо қўллаб-қувватлайди. Бугунги музокаралар ўшбу дўстлик ришталарини яна бир

поғона юқорига олиб чиқишига ишонч билан, — деди Режеп Таййип Эрдоғун.

Ўзбекистон ва Туркия ҳамкорлиги икки томон учун ҳам манфаатли. Мамлакатимизнинг бозори, тобора эркинлашаётган иқтисодиёти, қўлай инвестициявий муҳити Туркияни қизиқтиради. Ўшбу мамлакатнинг ривожланган саноати, транспорт коммуникациялари, денгиз йўллари, қишлоқ хўжалиги ва туризм салоҳияти Ўзбекистонга фойда келтиради.

Давлат раҳбарлари 2017 йил 14 май куни Пекинда ўтган “Бир макон, бир йул” форуми, ўша йилнинг 10 сентябрь куни Остона шаҳрида бўлган Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Фан ва технологиялар бўйича саммити доирасида музокаралар ўтказди. Шунингдек, сентябрь ойида Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеясининг 72-сессияси доирасида учрашди.

Президентимизнинг 2017 йил октябр ойида Туркияга давлат ташрифи икки томонлама дўстона муносабатларда янги даврни бошлаб берди. Ташриф давомида икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлигининг мавжуд ҳолати ва истиқболларини батафсил муҳокама қилдилар. Имзоланган Қўшма баёнот ўзаро ҳамкорликни стратегик шериклик даражасига олиб чиқишда энг муҳим ҳужжат бўлди.

Президентлар мулоқоти икки мамлакат расмий делегациялари иштирокида давом эттирилди. Музокараларда савдо, саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт, туризм, илм-фан ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари

ри муҳокама қилинди.

Ўзаро савдо ҳажми ва унинг таркибини кенгайтириш бўйича ижобий ўзгаришлар алоҳида қайд этилди.

Туркия Ўзбекистоннинг муҳим савдо шерикларидан бирidir. 2017 йилда давлатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 30 фоизга ортиб, 1,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Шу йилнинг биринчи чорагида бу кўрсаткич 20 фоизга ўсиб, 400 миллион долларга етди. Яқин йилларда бу кўрсаткични 5 миллиард долларга етказиш бўйича аниқ тадбирлар юзасидан келишиб олинди.

Рангли металллар ва улардан тайёрланган буюмлар, мева-сабзавот маҳсулотлари, хизматлар, азот ўғитлари, нефтни қайта ишлашдан олинган маҳсулотлар мамлакатимизнинг Туркияга асосий экспорти бандаларини ташкил этади. Ўз навбатида, мамлакатимиз пардоз-андоз буюмлари, турли механик ва электрон ускуналар, пластмасса ва улардан тайёрланган маҳсулотлар, тўқимачилик, кимё, фармацевтика маҳсулотлари, тери ошлаш ва бўяш воситаларини импорт қилади.

Ўзбекистон Туркия бозорига энгил саноат, кимё, металлургия, машинасозлик, электротехника, чарм-пойабзал ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорт қилишни кенгайтиришга тайёр. Бу борада Истанбул шаҳрида очилган Ўзбек — Турк савдо уйи имкониятларидан кенг фойдаланиш мумкинлиги алоҳида қайд этилди.

(Давоми 2 саҳифада)

ЁШЛИКНИНГ ЖЎШҚИН НАФАСИ

Шаҳрисабз шаҳрида “Ўзбекистон баҳори” ижодий фестивали бўлиб ўтди



Ёшлар иттифоқи қошидаги Республика ёш ижодкорлар кенгаши томонидан илк бора амалга

Ёш ижодкорлар кенгаши раиси Меҳриноз Аббосова. — Фестиваль баҳонасида бунга яна бир қарра амин бўлдим. Уйлаيمانки, лойиҳа ёш ижодкорларнинг ҳаётида янги ва ёрқин саҳифа очди. Ўтказилган тадбирлар эса улар ўртасида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш билан бирга бадий ижод сирларини пухта эгаллашига хизмат қилади. Дарҳақиқат, жўшқин

Ижодий ишларим моҳир ижодкорлар томонидан юқори баҳолангандан жуда қувондим. Таассуротларим бир олам. Республикаимизнинг турли бурчакларидан келган тенгдошларимиз билан фикр алмашаик. Етуқ адибу шоирлар билан бўлган суҳбатлар мен учун алоҳида қадри. Қайд этиш керак, “Ўзбекистон баҳори” фестивали ғолибларининг биринчи китоби

ESHITDINGIZMI?

АВТОКАРВОН

ҚАТНАШЧИЛАРИ САМАРҚАНДГА КЕЛДИ



МИРЗАЧЎЛЛИК ФИДОЙИЛАР

ҚИШЛОғИНИ ОБОД ЭТМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси — Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси Қаҳрамон Қўранбаев Мирзачўл туманидаги бунёдкорлик ишларига беиминнат ҳисса қўшаётган “Фидойи ёшлар” отряди аъзолари билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳаётга изчил татбиқ этилган “Обод қишлоқ” дастури доирасида Мирзачўлнинг бир қанча олис манзиллари таниб бўлмас даражада ўзгармоқда. Минг-минглаб одамлар дилдаги орзу-истаклар рўёби йўлида қилинаётган ўшбу хайри ҳаракатга ёшлар ҳам баҳоли қудрат бош қўшаётгани қувонарли ҳол. Ўз қишлоғини обод этиш истагидаги қалби

қайноқ йигит-қизларни бирлаштириш мақсадига Ёшлар иттифоқи томонидан жойларда “Фидойи ёшлар” отрядлари ҳам тузилди. Ўшбу гуруҳлар асосан янги уй-жойлар, маъмурий бино, маиший хизмат, савдо объектлари қурилишида банд.

Қаҳрамон Қўранбаев мирзачўллик ёш бунёдкорлар билан дилдан суҳбат қурар экан, уларнинг шаҳу шижоати, юрт равнақига қамарбасталигини юқори баҳолади ва барчасига миннатдорлик билдириди. Туманда ёшларнинг ҳаётини яхшилаш, муаммоларига енчим топиш борасида ҳам фикр алмашилди. Жўяли тақрифлар инobatга олинди, амалий кўмак бериладиган бўлди.

Элор НАВРЎЗОВ



Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 73 йиллиги муносабати билан Россия Федерациясининг Нижневартовск шаҳридан йўлга чиққан “Ғалаба — барча учун битта” (“Победа — одна на всех”) автокарвони иштирокчилари Самарқанд шаҳрида меҳмон бўлди.



Элор НАВРЎЗОВ

Россия Федерациясининг Ханти-Мансийск автоном округи думаси қошидаги Ёшлар парламенти томонидан ташкил этилган мазкур тадбир иштирокчилари 1946 — 1958 йилларда ишлаб чиқарилган ГАЗ-М-20 “Победа” автомобилларида Россия, Қозоғистон, Қирғизистон давлатлари шаҳар ва қишлоқларидан ўтиб, юртимизга кириб келди.

Автокарвон қатнашчилари дастлаб Самарқанд шаҳридаги Ҳазрати Хизр мажмуасида бўлиб, биринчи Президентимиз Ислом Каримов мақбарасини зиёрат қилди. Шундан сўнг шаҳардаги Хотира майдонида Мотамсарона она ҳайкали пойига гул қўйилиб, Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган

инсонлар ёд этилди. Россиялик меҳмонлар ўшбу масканда самарқандлик уруш фахрийлари, ёшлар ва жамоатчилик вакиллари билан учрашди.

Самарқандлик Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари Е.Солдатов ҳамда М.Колмогоров фронтда бошдан кечирган воқеа-ҳодисалар, урушдан кейинги йиллардаги фаолиятлари ҳақида сўзлаб берди.

Ёшларни бугунги тинч-осойишта кунларнинг қадрига етиб йашашига, тинчликни асраб-авайлашга чорлади.

— Автокарвон Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган инсонларни ёд этиш, бугун ҳаёт бўлган фахрийлар жасоратини эслаш, уларни улуғлаш мақсадида ташкил этилди, — дейди автокарвон техник раҳбари Игорь Илик. — Инсоният тарихидаги энг кўп қурбонлар берилган ўшбу урушда Ўзбекистондан ҳам 1,5 миллиондан ортиқ киши қатнашган ва буюк Ғалабага бекиёс ҳисса қўшган. Автокарвон ана шу умумий ғалабанинг 73 йиллигини нишонлаш мақсадида ташкил этилди. Сафар давомидаги тадбирлар, учрашувлар ҳақида ҳужжатли фильм яратиш ниятимиз бор.

Меҳмонлар Самарқанд шаҳридаги тарихий-маданий обидалар билан ҳам яқиндан танишди.

Автокарвон иштирокчилари 1 май куни Тошкентдан Россия томон йўлга чиқади.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎЗА муҳбири



оширилган лойиҳада барча ҳуудлардан олти йўналиш бўйича саралаб олинган ёшлар иштирок этади.

Миллий қадрият ҳамда аъноаларимизни эъозлаш, ёш ижодкорларни рағбатлантиришга қаратилган фестиваль доирасида таниқли адабиёт намояндалари, машҳур рассомлар билан учрашувлар, маҳорат дарслари ва очик мулоқотлар ўтказилди. Иштирокчилар турли кўнгличлар дастур, викторина ва мушоираларда иқтидорини намойиш этди.

— Ўзбекистон истеъдодларга бой, — дейди

ёшлик нафаси уфуртирган фестиваль унутимас лаҳзаларга бой бўлди. Икки кун давомида иштирокчилар бадий таржима, тасвирий санъат, публицистика, драматургия, наср ва назм бўйича ўз ижод намуналарини ҳакамлар ҳайъатига тақдим этди. Яқинда ҳар бир йўналиш бўйича ғолиб ва совриндорлар аниқланиб, уларга диплом, статуетка ва қимматбахо совғалар топширилди.

— Адабиёт байрамга жиддий тайёргарлик қўргандим, — дейди публицистика йўналиши ғолиби Бекназар Қўражонов. —

нашрга тавсия қилинади. Ёш рассомларнинг ижодий ишлари эса, пойтахтимизда намойиш этилади. Шу билан бирга, улар учун Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Бухоро вилоятларининг диққатга сазовор жойларига саҳуатлар уюштириш кўзда тутилган. Фаол йигит-қизлар ил якунида бўлиб ўтадиган “Тошкент илҳомлари” ҳисобот фестивалида иштирок этиш учун “Олтин чипталар” га ҳам эга бўлди. Келгусида фестивални ҳар тўрт йилда бир мартаба ўтказишга келишиб олинди.

Тўмарис АБЗАМ

ЕТАКЧИЛАР ҚАЙТА ТАЙЁРЛАНДИ

Ёшлар иттифоқининг ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларидаги 56 нафар етакчиси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуриндаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболчи кадрлар тайёрлаш институтида қайта тайёрловдан ўтди. Кун кеча уларга махсус сертификатлар топширилди.

Тест синови ва суҳбат асосида қабул қилинган тингловчилар

малакали мутахассислардан инсон психология асослари, ёшлар билан ишлаш ва инновациялар яратиш усулларини ўрганди.

Тақдирлаш маросимида Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Мурод Зуфаров, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболчи кадрлар тайёрлаш институти директори Актам Жалилов иштирок этди.

— Бир ой давомида тажрибали устозлар-

нинг сабоқлари орқали билим ва кўникмаларимизни янада мустаҳкамлайди, — дейди Иттифоқнинг Когон маиший хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежидаги етакчи Хилола Муродова. — Ўрганганларимиз келгусида фаолиятимизда татбиқ этиб, ёш авлод келажаги йўлида сафарбар этмоқчиман.

Шаҳноза НУРУЛЛАЕВА

ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ: ЎЗАРО ИШОНЧ ВА ДЎСТЛИККА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИК ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

(Бошланиш 1-саҳифада)

Транспорт коммуникациялари ва транспорт соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия ҳамда Ер усти юк ташувлари тўғрисидаги келишувларга мувофиқ тузилган Халқаро автомобиль ташувлари масалалари бўйича қўшма комиссия бу йўналишдаги алоқалар ривожига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

«Боку — Тбилиси — Карс» темир йўли ўзаро савдо алоқалари учун улкан имкониятлар яратиши қайд этилди. Шу жиҳатдан транспорт тарифларини янада мақбуллаштириш муҳимлиги таъкидланди.

Ўзбекистонда 1993 йилдан буён ваколатхонаси фаолият кўрсатаётган Туркия Ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (ТИКА) саъй-ҳаракатлари ҳам юқори баҳога лойиқдир. Утган давр мобайнида ушбу агентлик тиббиёт ва таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш, қишлоқ ҳўжалиги ҳамда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга йўналтирилган қатор лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилишида фаол қатнашди.

Музокараларда ҳали фойдаланилмаган имкониятлар кўпайиб, ушбу ташриф икки мамлакат вазирлик ва идоралари, ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқалар ривожига янги суръат бахш этиши таъкидланди.

Икки мамлакатда ҳам харидор-гир бўлган юқори қўшимча қийматли маҳсулотларни етказиб бериш ва узоқ муддатли инвестициявий ҳамкорлик

ни ривожлантириш орқали ўзаро савдо ҳажмини муттасил ошириб бориш ва диверсификация қилиш бўйича яқинлик билдирилди.

Ўзбекистонда Туркиянинг етакчи компаниялари иштирокида қўшма инвестициявий лойиҳаларни амалга ошириш, энг аввало, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарида минерал ва хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ишлари бундан кейин ҳам рағбатлантириб борилиши қайд этилди.

Туризм соҳасидаги ҳамкорликни жадаллаштиришда миллий авиакомпанияларимиз ўртасида шерикчилик муҳим ўрин тутди.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси томонидан ўтган йил октябрь ойидан бошлаб “Самарқанд — Истанбул”, жорий йилнинг мартидан бошлаб “Турк ҳаво йўллари” томонидан шу йўналиш бўйича тўғридан-тўғри авиақатновлар йўлга қўйилгани, халқларимиз ўртасидаги бори-келдининг соддалаштирилгани муҳим аҳамиятга эга экани алоҳида қайд этилди.

Ҳозирги вақтда авиақатновларни кенгайтириш мақсадида янги режа ва қўшма лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Мамлакатимизда туризм инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги дастурлар доирасида турк инвестицияси иштирокида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масаласи ҳам музокаралар мавзуси бўлди.

Ўзбекистон ҳам, Туркия ҳам туризм соҳасида улкан имкониятларга эга. Бу

саложиядан тўла фойдаланиш, сайёҳлар алмашувини ошириш улкан иқтисодий самара беради.

Яна бир муҳим йўналиш — Ўзбекистонда зиёрат туризмининг ривожлантириш бўйича ҳам амалий фикр алмашувлар бўлиб ўтди.

Ўтказилган суҳбат ва музокаралар давомида Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Ислам цивилизацияси маркази инфратузилмаларини ривожлантириш ва уларнинг фаолиятини шакллантиришда туркиялик қардошлар билан яқиндан ҳамкорлик қилишга келишиб олинди.

Бугунги кунда жадал ривожланиб бораётган маданий-гуманитар алоқалар ҳам Ўзбекистон — Туркия муносабатларининг ажралмас қисми ҳисобланади. 2016 йил июнь ойида Анқарада Ўзбекистон маданияти кунлари бўлиб ўтди. Турк санъат усталарининг Самарқандда ўтказиладиган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалида мунтазам иштирок этиши, Туркия давлат телерадиокомпанияси (ТРТ) Ўзбекистонда ўтказиладиган расмий тантаналарни хорижий мамлакатларга ретрансляция қилиши аниҳанга айланди.

Соғлиқни сақлаш ва тиббий таълим соҳаларида, етакчи тадқиқот марказлари ўртасида тажриба алмашиш ҳамда профессионал кадрлар тайёрлаш борасидаги ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатларимиз БМТ, Ислам ҳамкорлик ташкилоти каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга эга маҳсулотлар бўйича томон-

ларнинг позициялари бир-бирига ўхшаш ёки яқин.

Президентлар минтақавий ва халқаро даражада тинчлик, ҳавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш истагида эканликларини таъкидлаб, кўп томонлама тузилмалар доирасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришга интилишларини билдирдилар. Хусусан, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш масаласида ҳам атрофича фикрлашиб олинди.

— Бизнинг бу борадаги қатъий позициямизни яна бир бор таъкидлашни истардим: Афғонистонда тинчликка эришишни ягона йўли — марказий ҳукумат ва мамлакат ичидаги асосий сиёсий кучлар ўртасида олдидан ҳеч қандай шарт қўймасдан, тўғридан-тўғри мулоқот олиб бориш зарур, — деди Шавкат Мирзиёев. — Аббатта, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бу борада асосий воситачи ролини бажариши лозим.

Давлат раҳбарлари маърифий ва бағрикенг ислом динини тарғиб этиш, унинг асл инсонпарварлик моҳиятини бутун жаҳон жамоатчилигига етказиш борасида ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидладилар. Зеро, ислом дини доимо эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғун кенг қўламли стратегик ҳамкорлигимизни янги, янада юксак босқичга кўтаришга қаратилган, ўз мазмун-моҳияти билан катта аҳамиятга эга бўлган қўш-

ма баёнотни имзоладилар.

Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш мақсадида мамлакатларимиз ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари ўртасида иқтисодиёт, савдо-сотиқ, транспорт-логистика, саноат, им-фан, таълим, туризм ва бошқа соҳаларга доир 24 та ҳужжатга имзо чекилди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Режеп Таййип Эрдоғун музокаралар ўзаро англашув ва ҳурмат руҳида ўтганини, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ўртасидаги узоқ истиқболли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қиймати бўлган таъкидладилар.

— Музокаралар халқларимиз ўртасидаги азалий дўстлик ва қардошлик аённаларига мос ҳолда, очик, сермазмун ва самарали бўлди. Ҳамкорлигимизнинг бугунги ҳолати холисона баҳолашиб, унинг устувор йўналишлари ва истиқболдаги вазифалари аниқ белгилаб олинди. Икки давлат раҳбарлари раислигида Стратегик шериклик олий кенгаши тузиш бўйича келишувга эришилди, — деди давлатимиз раҳбари.

Туркия Президенти музокаралар ўзаро англашув, манфаатдорлик ва ишонч руҳида ўтганини, Туркия ва Ўзбекистон ҳамкорлиги янада мустаҳкамланиб, стратегик даражага кўтарилганини таъкидлади. Қўламли ва аҳамияти катта бўлган келишувларга эришилганидан, Бухородаги муборак қадимжоларни зиёрат қилажанидан бахтиёр эканини билдирди.

Режеп Таййип Эрдоғун Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмонга мамлакатимиз парламентида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида сўзлаб берилди. Туркия Президенти Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари олдига нутқ сўзлади.

Куннинг иккинчи ярмида Туркия Президенти Мустақиллик майдонига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Шундан сўнг Режеп Таййип Эрдоғун Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов ҳайкали пойига гул қўйиб, Буюк Йўлбошчимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Давлат раҳбарлари Шавкат Мирзиёев ва Режеп Таййип Эрдоғун «Ўзэкспо-марказ»да ташкил этилган «Ўзбекистон — Туркия» ишбилармонлари бизнес форумида иштирок этилди. Бизнес-форум доирасида умумий қиймати 3 миллиард долларга тенг 50 дан ортиқ янги инвестициявий қўшма лойиҳани амалга ошириш бўйича келишувларга эришилди.

Президентлар мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантиришда бундай бизнес-форумлар муҳим аҳамиятга эга эканини қайд этилди.

Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғуннинг мамлакатимизга давлат ташрифи давом этмоқда.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
ЎЗА муҳбири

DOLZARB MAVZU

Боборован ҒОЗИДИНОВ

АҚШда олиб борилган тадқиқот натижасида Ўзбекистон озиқ-овқат хавфсизлиги рейтингига дунё мамлакатлари орасида 64-ўринни эгаллади. Бир йил аввал эса, 75-поғонани банд этгандик. Бу юртимизда соҳага доир ишлар самарали олиб борилаётганидан далолат беради.



ЖАҲОН РЕЙТИНГИДА ИЛДАМЛАДИК.

Аммо...

“Ўзстандарт” агентлиги маълумотларига қараганда, жорий йилнинг биринчи чорагида 1,8 миллиард сумдан ортиқ қийматдаги истеъмолга яроқсиз озиқ-овқат маҳсулотлари бозорга чиқарилишининг олди олинди. Аҳолидан келаётган мурожаатлар асосида мутахассислар томонидан жойларда назорат харидлари ҳам амалга оширилган. Натижада, олтинчи ўч турдаги сут, қолбаса, ичимлик суви каби маҳсулотларнинг ўттиз тури меъёрий ҳужжатлар талабига мос эмаслиги аниқланган.

— Айримлар назорат харидини тадбиркорлик фаолиятига ноурин аралашув деяр қабул қилади, — таъкидлайди “Ўзстандарт” агентлиги бўлими бошлиғи Жаҳонгир Абдуқодиров. — Ле-

кин мақсадимиз бу эмас. Биз ишлаб чиқарувчиларни ўз вақтида огоҳлантириб, маҳсулотига ишончсизлик уйғунмаслигига интиладики, холос.

Айтиш керакки, дунёда назорат харидига нисбатан ижобий муносабат шакланган. Мутахассислар исталган вақтда, исталган савдо растасидан маҳсулот харид қилиб, уни лаборатория текширувидан ўтказди. Борни-ю, бирон камчилиқ топилса, ишлаб чиқарувчи огоҳлантирилади. Кундалик истеъмолчидаги озиқ-овқат товарлари асосан қайта ишлов натижасида тайёрланишини инobatга олсак, назорат харидини амалга ошириш нечоғлиқ долзарб аҳамият касб этиши ўз-ўзиндан равшанлашади. Демак, янгиликларни жорий этишдан чўчимаслик даркор.

ИТТИФОҚ КАФИЛЛИГИ ОСТИДА

ТАҚДИРНИ ЁНГЛАШ ИМКОНИЯТИ

Маҳида МАҲМУДОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Урганч тумани суди раиси

Қилмишидан пушаймон бўлган одамнинг гуноҳидан кечиш, ўзини ва ҳаётини ёнглашга имкон бериш асл инсонийлик намунаси. Тўғри, суверен демократик давлатимиз. Туриш-турмушимиз асосан дунёвий қонун-қоидаларга асосланган. Бироқ қанчалик замонавийлашмайлик тағ-томиримиз — минг йиллик боқий қадриятлардан узилишга ҳаққимиз йўқ!

Сўзимиз аввалида тилга олинган асл инсонийлик намунасини кўрсатмоқ шулар қаторида.

Президентимиз ташаббуси билан билиб-билмай адашган, жиноят содир этган шахслар, биринчи навбатда, эртаимиз эгалари бўлиш ёшларни жамоат ташкилотлари кафилиги остида қамоқ жазосидан озод этиш

амалиётининг жорий этилгани қанчадан-қанча юртодошларимиз учун нажот бўлди.

Шу кунгача Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳуудий ва маҳаллий кенгашлари кафолат хати асосида кўпгина йигит-қизлар озодликка чиқарилиди. Ота-онаси, яқинлари бағрига қайтиб, тўғри йўлга қадам қўйди.

Бу кечиримлик яна бир бор берилган имкон эвазига.

Яқинда Жиноят ишлари бўйича Урганч тумани судида икки нафар коллеж ўқувчиси — Жавоҳирбек Қурамбоев ва Камронбек Қаландаров иши кўриб чиқилди. Бу ёр навресталар ўғирлик содир этиб, панжара ортига тушган. Уларга қўйилган айбловнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори эмаслиги ва инсон ҳаётига хавф туғаймагани, қолаверса, судланувчилар ҳали ўқувчи эканини маҳалла-қўй ва ўқиш жойида ижобий таъсирлангани инobatга олиниб, Иттифоқ йигитларни кафиликка олди.

Энди Камрон ва Жавоҳир оиласининг бағрига қайтган. Иккиси ҳам ёшлар иттифоқи туман кенгашининг назорати остида.

АКСИЯ

Назир ҚАЙУМОВ

ЕР БИЛАН ТИЛЛАШИБ

Кармана туманида “Менинг томорқам — менинг бойлигим” акцияси ўтказилди



Ёшлар иттифоқининг маҳаллий кенгаши ва Ўзбекистон ёш фермерлар кенгаши ҳуудий бўлими билан ҳамкорлигида йўлга қўйилган лойиҳа доирасида кўнгилли йигит-қизлар тумандаги бир қанча маҳаллаларда уйма-уй кезиб, намунали томорқаларни ўрганди. “Шибзгон” маҳалласида истиқомат қилувчи тажрибали деҳқон Фирдавс Раҳмонов ўз таъриқи ҳақида ёшларга сўзлаб берди.

— Ерниги тилини топши ўзига

яраша билим ва маҳоратни талаб қилади, — дейди Ф.Раҳмонов. — Бугунги акция давомида иштирокчилар билан томорқанимизга сабзавот ва дарахт кўчатлари экиб, уларни парвартириш бўйича таъсирлар бердим. Уйлайманки, бундай лойиҳаларни кўпайтириш керак. Шунда навресталарнинг бўш вақти умумий ўтади.

Акцияда фаол иштирок этган ёшларга фахрий ёрлик ва китоблар жамланмаси топширилди.

TASHABBUS

БЎКАДА “БИЗНЕС АВТОБУС” ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Шоира ОХУНЖОНОВА



Мазкур лойиҳа ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш марказининг маҳаллий бўлимида ташаббуси билан амалга оширилди. Унга қасб-хунар коллежлари битирувчилари, ишсиз йигит-қизлар, ёшлар иттифоқининг туман кенгаши қошидаги “Бизнес-клуб” аъзолари жалб этилди.

Иштирокчилар “Сарқор” кўп тармоқли фермер ҳўжалиги, “Шунқор-қалқон Бука” хусусий биологаторияси фаолияти билан танишиди. Йигит-қизларга бизнес-режа тузиш, банкдан имтиёзли кредит олиш тартиби, Иттифоқ томонидан бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида маълумот берилди.

БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИДА

Республика ёшлар марказининг бўлими очилди

Нурзода ААМЕДОВА

Қурилиш ва коммунал ҳўжалиги қасб-хунар коллежи биносида жойлашган янги масканда 500 нафардан зиёд йигит-қиз математика, инглиз тили, тикувчилик, компьютер технологиялари бўйича билим ва маҳоратини оширмоқда. Туризм маркази ҳам ёшлар хизматига.

Ёшлар марказида сабоқ олаётганларнинг аксарияти ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари, ички ишлар профилактик назоратида турувчи ва вақтинча ишсиз ёшлар экани алоҳида аҳамиятга моликдир.


Айни вақтда муассаса ходимлари ўқувчилар орасида тарғиб-бот-ташвиқот ишларини олиб бориб, хоҳиш-истакларини ўрганипти. Бу эса, келгусида янги тўғрақлар фаолиятини мақсадли равишда йўлга қўйишга имкон беради.

MULOHAZA UCHUN MAVZU

ҚАВАТ-ҚАВАТ ЖИМЖИМАДОР КИТОБЛАР

Манзура АБДУЛЛАЕВА, талаба

Ўқувчига маънавий озуқа бера оляптими?



Тоғамнинг шахсий кутубхонасини тартибга келтириб, дастласта китоблар эътиборини тортади. "Шабнам", "Қалайроқ", "Болалигим", "Баҳор соғинчи", "Орзу", "Момақаймоқ қушиги", "Қуёш табассуми", "Бойчечак"...

Пиёзнинг жимжидек келадиган, лекин жимжидор безакли муқоваларини қуриб кизиқтириш орди. Бир-бир варақлашга тушдим. Афсуски, тўпламларнинг аксарияти ясама шеър олд-қонди ҳикоячалардан иборат. Мен маънавият жаҳоитлари деб уйлаганларим бир пулга қиммат бўлиб чиқди. Ҳайф шунча қоғоз!

Афсуски, бундай "китобча"лар оз эмасли. Уларни чоп этиш учун қанча маблаг, меҳнат, вақт елга совурилганига ачинади. Қизиқ, муаллифларнинг мақсади нима? Ҳақиқат куз-куз этишми?

Коллеждаги бир курсдошимнинг икки йилда учта китоби нашрдан чиққани, Ҳавасимиз келган. Ушандан бундан турли курик-танловларга фақат унинг номзоди тавсия қилинади. Директоримиз ҳам фахрий ёрликлар билан роса сийлади. Лекин бу ҳолат узоққа чўзилмади. Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлиш илҳамида қалам тутган дугонамиз биринчи танловдан оқ кизариб-бўзариб қайтди. Ҳакамлар ҳайратини айблагша тушди.

Келаси йили яна дастласта тавсияномаю ижодий ишларни йиғиб, ҳужжатчилини "семиртириди". Аммо бу сафар ҳам омади келмади. Шойра киз хатоларидан тўғри хулоса чиқарса қошиқ эди. Йўқ, зарда билан қаламинини ташламан-ю: "Ҳақиқий истеъдоднинг ҳаари йўқ экан!" — деган фикрда собит қолди.

Ана ҳоло! Нуфузли мукофотни китоб чоп этириш юбораётган тенгдошларимиз озгина андиша қилса бўлармиди. Ахир, бу танлов қизларни адабиёт, илм-фан, санъат, спорт соҳаларида фаолликка ундаш, ардоқли шираниш Зулфияноним излошларини кашф

этишдек хайрли мақсадда тавсия этилган-ку! Бундай пайтда имтиёзни қўлга киритиш эмас, балки Ватанимиз равнақи, иқболию истиқболи ҳақида уйлаш тўғрироқ бўлади.

Таниқли адабларимиздан бири: "Адабиётга кириш эмас, унда қолиш муҳим", — деганида нақадар ҳақ эди. Бироқ бугун айрим ёшларнинг адабиётга кириши ҳам, ундан чиқиб кетиши ҳам осон бўлиб, қолади. Эҳ-ҳе, чақмоқдай гўмбурлаб, сохта шухратнинг умри қисқалигини билиб, алам қилганидан адабиёт бўстониға қўл силтаб кетаётганлар қанча. Албатта, шולי курмакисиз бўлмас. Айрим ҳолатларда танлов ҳакамлари ҳато қилиши мумкин. Ҳаётни курашдан иборат деб билганлар бундай пайтда чиниқади, қалами чархланади.

Адабиёт оламига фақат шахсий манфаат илҳамида кириб келганлар сўзининг таъсир кучини сусайтирибгина қолмай, халқнинг сўз санъаткорига бўлган илҳосини қайтариши, обрўсизлантириб, ҳурматини бир пул қилиши ҳам ҳеч гап эмас. Адабиёт илҳосманлари ўз таъб-дидадаги ижодкорлардан эзгу ғоя билан сугорилган сермазмун ва таъсирчан асарлар кутади. Шу истак билан қалам тебратган фидойиларгина наинки адабиётда қолишга, балки миллион-миллион китобхонлар қалбида яшашига ҳаққидир.

Бадиий ижод хоҳ назм, хоҳ наср бўлсин, ҳаётнинг, инсон ўй-кечинмаларининг инъикосидир. Чўлпон бобомиз: "Адабиёт яшаса — миллат яшайди", — деб бежиз даъват этмаган. Алишер Навоий асарларисиз дунё маънавияти кемтик бўлиб қоларди. Заҳридин Мухаммад Бобурнинг "Бобурнома"си Шарқ оламидаги номадларнинг энг ҳаётиса ва ҳаққонийси

эканига шубҳа йўқ. Лутфий, Огаҳий, Машраб, Нозира, Увайсий, Муқимий ва Фурқатнинг газалларисиз мумтоз қўшиқларимизни тасаввур этиш мумкинми? Абдулла Қодирий, Ойбек, Фафур Гулом, Ҳалима Олимжон, Пиримқул Қодиров, Шукр Холмиров, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва Ҳалима Худойбердиева яратган ўлмас асарлар неча-неча авлодларнинг умрбоқий тарбиячиси бўлиб келаётгани ҳам рост.

Таниқли адабиётшуносолим, Ўзбекистон қаҳрамони Озод Шарафидиновнинг: "Ўтмишдаги шон-шухрат, муваффақият ва парвозлар яхши нарсаси, албатта! Аммо улар шунча нарсаси, ҳар бир янги авлод шухратга-шухрат қўшиб турмаси, эски ютуқлар қаторини янгилари билан бойитиб бормаси, миллатнинг қаноти қайрилиб, парвози сусайиб қолади", — деган пурмавно фикрлари айнан ёш қаламкашларга қарата айтилгандек.

Замон тез сурьатларда ўзгариб, ислохотлар жадаллашиб бормоқда. Олам ва одам янги қиёфа касб этмоқда. Демак, бугун инсоннинг суратию сийрати мукаммал акс этган, ишонарли асарлар сув ва ҳаводек зарур.

Президентимиз 2017 йилнинг 3 август кунини мамлакатимиз ижодкорлари билан бўлган учрашувада таъкидлаганидек: "Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улғу аждодаларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонманам, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажакимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади".

Ўртбошимиз ишончини оқлашга, хайрли ишларида қўмак беришга бурчли эканимизни унутмайлик.

ТОМОРГА — DAROMAD MANBAI ТУПРОҚНИ ТИЛЛО БИЛГАНЛАР

Санжар ЭШМУРОДОВ

Инсон фаровон ҳаёт кеचериши учун тоғни толқон қилиши шарт эмас. Гектарлаб ер майдонлари ёки сурув-сурув чорвага ҳам ҳожат йўқ. Меҳнат билан томорқадан ҳам яхшигина даромад олас бўлади. Сурхондарёнинг Шеробод туманида яшовчи Зархол Худойбердиева мана неча йилки, бунини ўз фаолияти мисолида тасдиқлаб келмоқда.

— Қишлоғимизга баҳор эрта келади, — дейди сўхбатдошимиз. — Қишнинг захри ҳам қаттиқ эмас. Лекин бизгача газ қувурлари тортилмаган. Шунинг учун аввалига иссиқхона қуришга иккиланади. Таваккал қилдик. Олти сотих ер майдонда иссиқхона қуриб, помидор, бодиринг эдик. Ҳосилдорлик яхши бўлди. Бу йили юз тулмон кўчатини ҳам ўтказдик. Полиэтиленнинг ўзидан 10 миллион сум фойда олганини режалаштирганмиз. Иссиқхонадан ортиб, 500 бош товуқ ва уч бош қорамол боқялдим. Шўқри, меҳнатимизга яраша риск-насиба топялдим.

Халқимизда деҳқон қишда тинар, деган гап бор. Аммо ҳозир бу фикрни бироз ўзгартиришга тўғри келмоқда. Негаки Зархол опа каби заҳматқаш юртдошларимиз қишнинг қорли-қировли кунларида ҳам экин-тикин қилиб, эл дастурхонини ноз-неъматлар билан тўлдиряпти. Қўмқўргонлик Ақром

Фафуровга ҳам шу жиҳатдан ҳавас қилдик. Ер билан тиллашмоқ унга бобомерос фазилат. Балоғатга етгач, тенгдошимиз катталар билан бамаслаҳат томорқасида иссиқхона ташкил этди.

— Иссиқхонага эга бўлиш айтишга осон гап, аммо меҳнати катта, — дейди Ақром. — Янги кўчат навларининг агротехникасини ўрганиш кишидан кунт-қаноат талаб қилади. Шунингдек, бодирда олинажақ ҳосилга эҳтиёжни хомчўтлаш ҳам керак. Билмай иш тутсангиз, панд ейишингиз мумкин. Шу сабаб аввал тажрибали деҳқонлардан йўл-йўриқ олам.

Ҳозир қаҳрамонимизнинг 5 сотих ери бор. Қўшимчасига чорвачилик билан шугулланиб, гушт дўкони растала-рига ҳам сифатли маҳсулот етказиб бермоқда.

Сирасини айтганда, пешона тери билан фарзандаларини ҳеч нарсага зориктирмай тарбиялаган, уларни ҳалол меҳнатга ўргатиш ўз келажакини яратишнинг энг мақбул йулидир.

FESTIVAL ДУНЁНИНГ САККИЗИНЧИ МЎЪЖИЗАСИ

Навоий шаҳридаги "Фарҳол" маланият саройида ўтказилган фестиваль шундай номланди

Шолиябегим ШАРОФИЙ

Ёш авлод ўртасида китоб ва китобхонликни тарғиб қилиш, уларда мутолаа маданиятини шакллантиришга қаратилган тадбир Ёшлар иттифоқининг вилоят кенгаши томонидан Навоий кон-металлургия комбинати ҳамда Навоий кончилик институти билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Фестиваль Берунийнинг "Минералогия" асарига яратилган саҳна кўриниши билан бошланди. Шундан сўнг комбинатдаги ёш ҳодим ва ишчилардан тузилган жамоалар китоб мутолаасини тарғиб этувчи чиқишларини намойиш қилди. Иштирокчилар буюк адиблар қаламига мансуб асарларга ҳам мурожаат қилди. Айниқса, Чингиз Айтматовнинг "Асрга татигулик кун" романи асосидаги саҳналаштирилган спектакль, Махтумқули газаллари билан яратилган қўшиқлар ҳеч қимни бефарқ қол-



дирмади. Шунингдек, "Ўққудуқнинг китобхон оилалари" видеоролиги томошбинларда катта қизиқиш уйғотди. Тадбир давомида викторина ҳам ўтказилиб, голибларга китоблар жамланмаси совға қилинди. — Китоб маънавиятининг негизи, — дейди Навоий кон-металлургия комбинати Шимо-

Аҳроп СОДИҚОВ

YUKSALISH

ЁШ БАХШИЛАР МАКТАБИ ИШИ БОШЛАДИ

Ёшлар иттифоқининг Қашқадарё вилояти кенгаши ташаббуси билан Деҳқонбод туманида "Миллий қадриятларимиз — беқиёс бойлигимиз" шiori остида фестиваль ташкил этилди. Унда воҳдадаги ёш бахшилар иштирок этди.



Тадбир доирасида Деҳқонбод агросаноат касб-хўнар коллежи қошида ташкил этилган Ёш бахшилар мактабининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда сузга чиққан Иттифоқнинг вилоят кенгаши раиси ўринбосари Собиржон Мусулмонов, туман ҳокими ўринбосари Баҳодир

Омонов, Ўзбекистон халқ бахшиши Қаҳҳор Раҳимов ва бошқалар барча керакли жиҳозлар ва муносиқ асбоблар билан таъминланган янги таълим

маскани иқтидорли бахшиларни тарбиялашга хизмат қилишига умид боғланди. Шундан сўнг ёш бахшилар ижросида терма ва дostonлардан намуналар

тингланди. Тумандаги 5-болалар мусиқа ва санъат мактабида эса, ҳунармандчилик намуналари ва тасвирий санъат асарлари кўргазмаси ташкил этилди.

TASHABBUS

ТАЛАБАЛАРДАН ИЖОДИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ

Клара ХУДАЙБЕРГЕНОВА



Берадқ номлидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқа театрида маҳаллий олин ўқув юрғларининг талабалар театр-студияларида саҳналаштирилган спектакллар намойиш этилди.



Драмада турмуш зарбаларига дош беролмаган инсонлар тақдири кўрсатиб берилади. Спектакль фалсафий мушоҳадага чорлаши, бадиий-эстетик юки ҳамда тугал сюжетни билан мутахассисларнинг ҳам этирофига сазовор бўлди.

Ҳаваскор жамоалар асосан ёшлар ҳаётидаги муаммоларга мурожаат этган. Айнан шу жиҳати билан саҳна асарлари томошбинлар қалбидан чуқур жой олди. Айниқса, Қорақалпоқ давлат университети "Жайхун" талабалар театр-студиясининг "Умрнинг тўрт кунини" спектакли кўпчиликлда катта таассурот қолдириди. Драмада турмуш зарбаларига дош беролмаган инсонлар тақдири кўрсатиб берилади. Спектакль фалсафий мушоҳадага чорлаши, бадиий-эстетик юки ҳамда тугал сюжетни билан мутахассисларнинг ҳам этирофига сазовор бўлди.

KASB FIDOYLARI

ЛИБОСЛАРГА ЖИЛО БАХШ ЭТИБ

Раҳмон АЛИ

Машкура Абдуғаппоровани Бўка маиший хизмат кўрсатиш касб-хўнар коллежида тажрибаи устоз, қўли гул моҳир чевар сифатида ардоқлаб, ҳурмат қилишди. Бу бежиз эмас. Зотан, тиниб-тинчимас, изланувчан бу мураббия ўзининг ҳалол меҳнати, янгиликка интилувчанлиги билан кўпчилиكنинг эътиборини қозонган.

Машкура опа Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтини тикувчилик технологияси йўналиши буйича тамомлагач, қадрдон юртига ошқанди. Эгаллаган билимларини ёшларга етказиш, тикувчилик соҳаси буйича илмий излашни истагига ёни. Ана шундай иштиёқ билан бироз муадат "Юдуз" тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бўка филиалида ишлади. Мактабда тикувчилик тўғрарини ҳам ташкил қилди.



Касбига ижодий ёндашиб, амалий малакасини ошириб борди. Бўка маиший хизмат кўрсатиш касб-хўнар коллежига ишга келгач, қаҳрамонимизнинг истеъдод қирралари янада яққолроқ намоён бўлди. Ишлаб чиқариш таълими устаси сифатида иш бошлаган Машкура опа жамоага тез киришиб кетди. Унинг ташаббуси билан таълим даргоҳида ҳар йили либослар намойиши бўлиб ўтади. Вилоят ўқув-семинарини ҳам айнан шу ерда

ташкил этиш анианага айланган. Мақкур семинарларга Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтидан малакали мутахассислар жалб этилади. Улар билан ҳамкорликда услубий қўлланмалар яратилмоқда.

Машкура опа "Эркаклар кийимини моделлаштириш", "Тикувчилик жиҳозлари ва ускуналаридан фойдаланиш" номли услубий қўлланмалар муаллифидир. Утган йили унинг шоғирлари Ангрэн шаҳрида ўтказилган касблар фестивалида "Энг яхши тикувчилик иши" номинацияси буйича голиб бўлди. Бундан ташқари, "Таъимда ижодкорлик ва изланув-

YOSHLIK ILHOMI

“АЯ, ТҮХТАНГ, АЯЖОН!”

Азиза АКТАМОВА,
Қарши шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган
умумтаълим мактаби ўқувчиси

Уйимиз деразаси кўчага қараган.
Ташқаридаги шовқин-сурон —
автомобилларнинг гизиллашию
одамларнинг ғала-ғовури шундоққина
эшитилади.

Хонада дарс тайёрлаёт-
ганим. Бир қизалоқнинг
кўнғирокдек овози кўлоғимга
чалинди. Чамаси тўрт-беш
ёшлардаги қизча: “Ая, тўхтанг,

аяжон, мен ҳам бораман”, —
дея тинмай йилғарди. Аммо
йулвочи машина тўхтатишга
ҳаракат қилаётган она бунга
сира парво қилмасди.

Қизалоқнинг ноласидан
кўнғим вайрон бўлди. Бунча-
ям бағритош бўлмас бу аёл!
Фарзандига ширин гапириб,
уйда қолиши кераклигини ту-
шунтирса ёки ўзи билан олиб
кетса бўлмасми? Ҳаёлимни
машинанинг қаттиқ чалинган
сигнали бузди. Дарҳол дераза
томон отилдим. Аммо ташқа-
рига қарашга журъат эта
олмадим. Аёл баланд овозда
кичқирди. Одамлар тўпланди.
Юрагим орқага тортиб кетди.
Чўқур нафас олдим...

Қўлоғим остида ҳали-ҳа-
нуз қизалоқнинг товуши ан-
райди: “Ая, тўхтанг, аяжон!”.

БУ — БИЗНЕС

Муҳаммадхон ЮСУПОВ,
Республика ёш ижодкорлар кенгаши аъзоси

— Ўзинг ўйла, укам, олинлари шу
маҳалланинг деярли ҳар бир хонадони бозор-
ўчирини биздан қиларди. Озиқ-овқатми,
рўзғорбоп буюм дейсанми, нима керак
бўлса бизга келарди. Биз ҳам имкон қадар
эҳтиёжларини қондирардик. Улар айтган
нарсаларни олиб келиб қўярдик. Бу яқин
орада бошқа дўкон йўқ эди. Аммо, укам,
мана нон ҳурмати, нархни оширган эмасмиз.
Кўтарган тақдиримизда ҳам одамлар биздан
харид қилаверарди-ю, аммо бунчалик
пасткашликка бормасдик...

Харидор йигит дўкондор-
нинг гапини маъқуллаганча
тор йўлдан юриб, пастакки-
на пештахтадаги маҳсулотлар
билан пакетини тўлдирарди.
— Кейин нима бўлди? — да-
вом этади дўкондор. — Қаёқдан-
дир янги бойлар келиб, гузар
ёнига каттакон супермаркет
очиб олди. Уни кураётганида
ҳамма кўлганди, кичкина
шаҳарчада шунча молни со-
тиб оладиган одам топилар-
микан деб. Мана, ўзинг кўр,

ўзимиз тугул қўшни маҳалла-
дагилар ҳам эринмай кела-
диган бўлди. Одамларга ҳам
ҳайронсан, шу дўконга неча
йилдан бери кириб-чиқардик,
эгаси бирон марта тарозидан
урмаган, қайтимидан қий-
маган, шунинг ҳурмати энди
ҳам мижоз бўлиб қолаверай-
лик демади-я... Қуриб тура-
ман, биз томонга қарамай
ўтиб кетиб, ўша ёқдан бозор
қилиб, кейин яна қарамай
ўтиб кетади ёки бошқа кўча-

дан қайтади.
— Майли, сиқилманг, ҳали
бу ерлар ҳам тўлиб-тошади,
— дўкондорни юптади йигит
ҳисоб-китоб учун унга яқин-
лашаркан. — Одамлар у ёқда-
ги молнинг сизникидан фарқи
йўқ эканини тушуниб етгач,
яқинроқ деб яна дўконингиз-
дан харид қила бошлайди.
— Шундоқ дейсан-у...
Тагин ким билсин.

Дўкондор уйчан ҳолда
йигит олган маҳсулотларнинг
нархини ҳисоблашга кириш-
ди.
— Мана сен уйинг уч кўча
нарида бўлса ҳам, ҳар сафар
шу ерга келасан. Синглинг
ҳам шундай. Қолганлар йўли
тушса ҳам ўтиб кетавера-
ди-да.

Йигит елка қисди, дўкон-
дор яна бироз ҳасрат қил-
ди-да ҳисоблашда давом этади.
Йигит пулни санаб бериб,
кетишга чоғланди.

— Майли, укам, соғ бўл!
— Хўп, хайр...
Йигит ташқарига чиқиб
кўчанинг нариги бетида
турган машинага қараб юрди.
Бозор-ўчирини орқа юкхона-
га жойлаб, машинага ўтириб
ўт олдира бошлади.
— Хўш, яна биздан
нолимими? — овоз келди
орқа ўриндиқдан. Йигит
кўзгу орқали у томонга назар
солди.
— Қўяверинг, дада, бу —
бизнес...

Умрзоқ АБДУВОҲИДОВ

УЗР

— Алло. Салом, Акмал ака,
яخشисиз?
— Раҳмат, яхши. Нега онан-
гикига кетиб қолдинг?

— Эй, ойингиз...
— Нима ойим?! Ҳар доим
ойим айбдор. Бир тандир
нонни ёпиш қийинми сенга?
Келисан-ку?
— Ахир, мен бирон марта
ҳам нон ёпиш қурмаганман.
— Яхши. Ҳозир қаердасан?

— Коллеждаман.
— Қоринида боланг билан у
ерда нима бор?!
— Битирув имтиҳонларим
бошланди.
— Бўпти, унда аввал ўқишни
битириб, нон ёпишни ўрганиб
олгин-да, кейин қайтавер...

1 САВОЛГА 1 ЖАВОБ

— Бир дўстимга
нисбатан маъмурий
ҳуқуқбузарликка доир
иш қўзғатилган. Маз-
кур жараёнда айбла-
нувчи шахс адвокат
хизматидан фойдала-
ниши мумкинми?

Ўткир НУРМАТОВ
Зомин тумани



Саволга ҳуқуқшунос
Гулноза ЙУЛДОШЕВА
жавоб беради:

— Ўзбекистон Респуб-
ликаси Маъмурий жавобгарлик
тўғрисидаги кодекснинг
297-моддасига асосан, маъ-
мурий ҳуқуқбузарлик тўғри-

сидаги ишни кўриб чиқиш
жараёнида шу ҳуқуқбузарлик-
ни содир этган шахсни ушлаб
туриш пайтидан бошлаб адво-
кат қатнашиши мумкин.

Адвокат ишга оид матери-
аллар билан танишиб чиқиш-
га, уни таклиф қилган шахс-
нинг топшириғига кўра ёки

унинг номидан илтимослар
йўллашга ҳамда иш юзасидан
чиқарилган қарор устидан
шикоят беришга ҳаққи.

(Материал
Ёш ҳуқуқшунослар
кенгаши билан ҳам-
корликда тайёрланди).

BOQIY QADRIYATLAR

Баҳорнинг яна бир тўхтаси

Наргиза РАҲМАТУЛЛАЕВА

Сурхондарёда “Бойсун баҳори”
очиқ фольклор фестивали бўлиб ўтди



Бой ва бетакор қадриятлари-
миз — миллий анъанаю урф-одат-
ларимиз тараннум этилган ушбу
гузал маданий тадбир учун одатга
кўра, фусункор табияти билан
зўза ром этувчи Паданг киш-
лоғи кенгликлари танланди. Чор
атрофга юзлан ортиқ ўтов тикил-
ди. Бир ёнда турли ҳудудлардан
келган ҳақ ансамбллари ҳамма

ка учирилгани тадбирга янада
ёрқинлик бағишлади.
Қорақалпоғистон Респуб-
ликасининг “Бес перде”, Тошкент
вилоятининг “Қурама”, Тошкент
шаҳрининг “Ноҳирабегим”, Бу-
хоронинг “Вардони навалари”,
Самарқанднинг “Чавқи”, Жиззах-
нинг “Боғдон гуллари”, Наво-
ийнинг “Ванғози”, Андижоннинг



“Зилол”, Наманганнинг “Ер-ёр”,
Фарғонанинг “Сух чашмаси”,
Қашқадарёнинг “Ойдиной”,
қолаверса, “Сирдарё навалари”,
“Хоразм” ҳамда “Бойсун” фольк-
лор-этнографик жамоалари
тайёрлаган бадиий чиқишлар
гузал табият қўйнидаги дўстлик
ва санъат байрамига ўзгача шукҳ
киритди. Жараёни нафақат
ҳамюртларимиз, мамлакатимизда-
ги дипломатик корпус вакиллари,
кўлаб хорижлик сайёҳлар ҳам
ажиб ҳаяжонда кузатиб борди.

Тожикистондан “Падида”
театр жамоаси ва машҳур хонанда
Шабнама Сурайё, Афғонистондан
ҳофизу созанааларнинг ташриф
бўриши “Бойсун баҳори”нинг аҳа-
мияти ва кўлами тобора кенгайиб
бораятганидан далолат беради.
Фестивалда Ўзбекистон ёшлар
иттифоқининг вилоят ва ҳудудий
кенгашлари аъзолари ҳам фаол
қатнашиб, миллий қадриятлар
тарғиботиغا муносиб ҳисса
қўшди.

MENING FIKRIM



БЕМАЗА “СМС”ЛАРДАН
АСАБНИ АСРАНГ

Акобир АБДУЛЛАЕВ,
психолог

Ҳар ой камида бир марта
қўл телефонимга туриш
кўринишдаги ахборотлар
келади. Огоҳлантириш,
тушунтириш
мазмунидегиларига
эътирозим йўқ.
Бироқ мутлақо бемаъни
хабарлар ҳам борки,
киши ғашини келтиради.

“Гузал қизлар ва йигитлар!
444 рақамига кўнғирок қилинг!
Танишинг ва суҳбатлашинг! Би-
ринчи уч кунлик бепул”. Бу каби
СМСлар барчамизга яхши таниш.
Афсуски, уларга эътиборсиз
қарашга кўникиб қолдик. Бизга
сира аҳамияти, даҳли ва таъсири
йўқдек туюлади. Аслида ҳам шун-
даймикан?

Ҳар сафар ёр-дўст орттиришга
ундовчи хабарлар келиши билан,
ўчириб юборардим. Лекин энди
уларни изоҳли таҳлил қилишга
уриняпман. Уйлаб кўринг, юр-
ти-мизда қанчадан-қанча тузилмаю
ташкilotлар ёшлар муаммолари-

ни бартараф этиш учун елиб-ю-
гурса-ю, ахлоқимизни бузишга
қаратилган СМС хабарлари
ҳадеб телефониимизга келаверса,
кутилган натижага эришишимиз
даргумон-ку! Бундай “илмоқли”
хабарлар, айниқса, ўсмирлар
учун хавфли. Чунки айни шу
ёшда уларда қарама-қарши жинс
вакилларига қизиқиши шакл-
ланади. Ушбу майллар муайян
қадриятлар ва ахлоқ нормалари
билан назорат қилинади. Онлайн
мулоқот (чат)лар эса, ана шу мей-
ёрларни бевосита инкор этиш им-
конини яратлади. Виртуал маконда
ахлоқ чегарасидан чиқиб, ўзини
“эркин” ҳис эта олган йигит ёки
қиз эртага шу ҳолатни реал ҳа-
ётда такрорлагиси келади. У ёғи
эса, вай! Кимгадир айтаётгани-
миз эриш туюлар, аммо чатларда
ёшларимиз ўзаро қандай мавзу-
ларни муҳокама қилаётганини
таҳлил қилиб кўрсангиз, ҳаммаси
ойдек равшанлашади.
Фикримча, мобил телефон-
ларга юбориладиган СМС хавола
(рассылака)лар ёшлар иттифоқи,
таълим, дин ва маънавият соҳа-
лари вакиллари, психологлар
назоратидан ўтказишини қонуний
норма сифатида белгилаш мақсад-
га мувофиқ.

ORAMIZDAGI ODAMLAR

ЎҒРИ

Шаҳноза ХОЛИҚОВА

Вазира опа тўй бошлади. Бир неча ой-
дан буён тиним билмайди. Қани энди
ташвишлари тугаса. Биз, қўшнилар
ҳам имкон қадар ёрдамлашиб турдик.

Тўй куни иш қайнади:
биров катта қозонда овқат
пиширади, кимдир салат
ва ширинликлар тайёрлаш-
га унганган. Бошқалар эса,
дастурхон безаш билан банд.
Вазира опанинг қизи тушлик
қилиш учун ҳаммани уйи-
га таклиф қилди. Хизматда
бўлганлар сафида мен ҳам
бор эдим.

Тамади пайтида бўлажак
тўй ва келин-куёвнинг кела-
жиги тўғрисида сўз очилди.
Ажойиб суҳбатдан завқланиб
ўтирганимда бирдан кўзим
бурчакка қисилиб, даврадаги-
ларга ўғринча назар ташлаб
қўяётган қўшни маҳалладаги
Сарвиноз опага тушди. Ўзгача
қизиқиб билан уни кузата
бошладим. Қўлида столга
қўйилган янги сочиқлардан
бири турарди. Сарвиноз
опа сочиқни секингина ён
чўнтагига солиди-да, ҳеч нарса
бўлмагандек, ана қизнинг
суҳбатга қўшилди. Мен эса,
ўша хунуқ манзаранинг
шоҳиди бўлганимдан ҳижолат
чекдим. Ҳаёлимдан Сарвиноз
опанинг чўнтагидан сочиқ-
ни олиб, ҳаммага кўрсатиб
шарманда қилиш фикри ўтди.
Лекин, бир томондан, кўрган-
ларимга ишонгим келмасди,
балки ҳазиллашиб олгандай,
ҳозир қайтариб жойига
қўяди, деб ўзимга тасалли
бердим.
Узоқ ўтиролмадим. Меҳ-
мондорчиликдан чиқиб, тўғри



уйга келдим. Онамга бошим
оғриганини баҳона қилиб, хо-
намга кириб уқлашга ҳаракат
қилдим. Қани энди уқлай
олсам! Тўй қилиш учун қарз
олди, анчайин қийналиб қол-
ган Вазира опани онамнинг
олдига келиб, йилғанини қўз
олдимдан ўтаверди. У кишига
ичиндим. Шу он бир гапириб,
ўн юлладиган, маҳалла-қўйда
керилиб юрадиган Сарвиноз
опадан нафратланиб кетдим!
Кечки пайт келин-куёв
ЗАГСдан қайтди. Тўй бош-
ланди, уйин-кулгу авжида.
Сарвиноз опанинг тўйхона-
да савлат тўкиб ўтиришини
кўриб, секин пичирладим:
“Ўғри!”.

МУАССИС
ЎЗБЕКISTON ЁШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлигида 2017 йил
2 августда № 0242 рақами
билан қайта рўйхатдан ўтган.

БОШ МУҲАРРИР
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Камолитдин Бекназаров, Мансур Бекмуродов,
Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер
Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов,
Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова — бош
муҳаррир ўринбосари (“Yoshlar ovozi”); Ирина
Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари (“Молодежь
Узбекистана”); Елена Калинина — маъсул котиб
 (“Молодежь Узбекистана”).

Дизайнерлар
Рўзиев Зафар
Хусанович
Абдуллаев Хуршид
Ултамжонович

Навбатчи
Санжар Эшмуродов

«YOSHLAR OVOZI»дан
материалларни кўчириб босиш
таҳририят руҳсати билан
амалга оширилиши шарт.
Таҳририятга келган
қўлёзмалар тақриз
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.
(371) 233-79-69 (факс).
E-mail: yoshlarovozi@gmail.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида,
А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.
Қорхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нарҳда.

Буюртма Г-538
Азоди — 21976

Босишга топшириш вақти — 21.00
Тошхирлиди — 01.30
ЎЗА якуни — 01.30

Офсет усулида босилган.